

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ОЛМАЗОР ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИДА  
«ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗЛАРИ»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда тизимли амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида» 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид **Давлат дастурига** мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш тизимини такомиллаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 58 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан дастлаб, иловадаги маҳалла фуқаролар йиғинларида тажриба тариқасида «Тадбиркорлик марказлари» (кейинги ўринларда Марказлар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Марказлар бизнес-инкубатор шаклида тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилади;

Марказлар юридик шахс ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади;

Фуқаролар йиғинларининг раислари Марказларга раҳбарлик қилади, уларнинг ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Марказлар фаолиятига, зарур ҳолларда, тегишли ҳудуддаги тажрибали тадбиркорлар, хунармандлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг малакали мутахассислари ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли)нинг маслаҳатчилари жамоатчилик асосида жалб қилиниши мумкин;

Марказлар фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари, Олмазор тумани маҳаллий бюджети даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан тушадиган даромадлар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади;

Марказлар фаолиятини йўлга қўйиш ва самарадорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Олмазор тумани ҳокими ҳар чорак якунида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига ҳисобот бериб боради.

4. Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар бир маҳалладаги хонадонларни уйма-уй юриб ўрганиш ва бунинг асосида тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қўмаклашиш ва уларни Марказларга кенг жалб этиш;

фуқароларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмалари, жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини тўғри танлаш ва қўллаш, бизнес юритишнинг ҳуқуқий асослари, молиявий менежмент ва бухгалтерия ҳисобини ўзлаштириш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

зарур ҳолларда, фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорлар ўз ишини йўлга қўйгунга қадар уларга Марказлар биносидан, шу жумладан ёшлар тадбиркорлик кластерлари биноларидан белгиланган тартибда жой ажратишга кўмаклашиш;

тадбиркорларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолига ўз бизнесини ташкил этишда бизнес-режалар ишлаб чиқиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, солиққа тортиш, ишчилар ёллаш, статистика, молия, солиқ ва бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бино ва иншоотларни ижарага олиш, давлат мулки объектларини «ноль» қийматида харид қилиш бўйича маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорлар, янги бозорларни излаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишда минитехнологиялар ҳамда усқуналар сотиб олишда кўмаклашиш;

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги расмий фаолиятини бошлаш истагида бўлган ҳунармандларга рўйхатдан ўтиш, «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги белгиланган имтиёзлардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатиш;

маҳалла ёшларининг, аввало, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил қилиши ва юритишига кўмаклашиш;

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, «ягона дарча» тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари, банк, лизинг, суғурта, аудиторлик, консалтинг, баҳолаш, риэлторлик ва бозор инфратузилмаси субъектларининг бошқа хизматлари ҳақида маълумотлар бериш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятига доир бузилган ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли давлат органларига мурожаат этишда маслаҳатлар бериш ҳамда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, шунингдек, Марказлар ходимларининг билим ва малакасини ошириш бўйича замонавий интерактив ўқув услубларини қўллаган ҳолда бир йилда икки марта (сентябрь ва март ойларида) ўқув-семинарлар ўтказилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда тегишли ҳудудда яшовчи ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва стартаплар ташкил этиш учун уларга белгиланган тартибда ёшлар тадбиркорлик кластерлари ҳудудидан майдонлар ажратиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши буюртманомасига биноан Марказларни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари билан таъминласин, шунингдек, улар учун Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олмазор тумани ҳокимлиги:

бир ой муддатда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда Марказларни **иловага** мувофиқ Олмазор туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида жойлаштирилишини ҳамда зарур мебель, жиҳозлар ва ташкилий техника воситалари билан тўлиқ жиҳозлаш ҳамда Марказларга самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб берилишини таъминласинлар;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар Марказлар фаолиятининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилган ҳолда, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги бошқа маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам Марказлар ташкил этсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олмазор тумани ҳокимлиги раҳбарлари зиммасига Марказлар фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 сентябрь,  
740-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорига  
**ИЛОВА**

**Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида тажриба тариқасида «Тадбиркорлик  
марказлари» ташкил этиладиган маҳалла фуқаролар йиғинлари**

**РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Маҳалла фуқаролар йиғинларининг номи</b>
<b>1-сектор</b>	
1.	Мойариқ маҳалла фуқаролар йиғини
2.	Олимпия маҳалла фуқаролар йиғини
3.	Янги Тошкент маҳалла фуқаролар йиғини
<b>2-сектор</b>	
4.	Чукурсой маҳалла фуқаролар йиғини
5.	Гулзор маҳалла фуқаролар йиғини
<b>3-сектор</b>	
6.	Намуна маҳалла фуқаролар йиғини
7.	Эски шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини
<b>4-сектор</b>	
8.	Чимбой маҳалла фуқаролар йиғини
9.	Чиғатой Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини
10.	Университет маҳалла фуқаролар йиғини

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2018 й., 09/18/740/1893-сон)*